

**ҲОКИМИНИНГ  
ҚАРОРИ**



**РЕШЕНИЕ  
ХОКИМА**

АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

170131, г. Андижан, ул. им. Абдурауфа  
Фитрата, 239.

170131, Андижон шаҳри,  
Абдурауф Фитрат номли кўча, 239.

Тел.: 8 (374) 222-15-36, Факс: 222-14-18, [http://www, andijan,uz](http://www.andijan.uz), e-mail: umumiy (a) andijan.uz

**08.05.2018 й. № 308-қ**

**Андижон шаҳар йўловчилар  
транспорти хизматларининг  
чекланган тарифини  
белгилаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Шаҳар йўловчилар  
транспорти тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасига, “Маҳаллий  
давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-, 25- моддаларига  
ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 сентябрдаги “Шаҳарда  
ва шаҳар атрофида қатнайдиган йўловчи ташиш транспорти  
хизматларининг тарифлари тўғрисида”ги 455-сонли қарорига  
асосан “Ўзавтодарётранс” агентлиги вилоят бошқармасининг  
2018 йил 6 январдаги 06-сонли хатларини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Андижон шаҳар ҳудудида фаолият кўрсатаётган автобус  
йўналишлари учун йўл кира нархлари 1000 сўм этиб белгилансин.

2. Андижон шаҳар ҳудудида фаолият кўрсатаётган йўналишли  
такси йўналишлари учун йўл кира нархлари қуйидаги:

5 километргача бўлган масофа учун - 1000 сўм миқдорида;

5 километрдан юқори бўлган масофа учун - 1500 сўм этиб  
белгилансин.

3. Андижон шаҳар ҳокимлиги (Д.Раҳматуллаев), вилоят ички  
ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси  
(С.Зингиров), вилоят Давлат солиқ бошқармаси (К.Салахов),  
Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни  
ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармаси (Ғ.Мадакимов) ва  
“Ўзавтотранс” агентлиги вилоят бошқармаси (Ў.Машрапов)га:

шаҳар йўловчи транспортларининг белгиланган тарифларга  
риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш;

йўловчилар ташиш самарадорлигини ошириш мақсадида шаҳар  
йўловчилар транспортида йўловчилар оқимини тизимли  
мониторингини ташкил этиш;

шаҳар ҳудудида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган транспорт корхоналарининг ҳаракат хавфсизлиги ва йўловчи ташиш қоидаларига, лицензия талаблари ва шартларига ҳамда тендер битимларига амал қилишларини таъминлаш;

ноқонуний йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган транспорт воситалари фаолиятига чек қўйиш ва уларга белгиланган тартибда чоралар кўриб борилишини таъминлаш вазифалари топширилсин.

4. “Ўзавтотранс” агентлиги вилоят бошқармаси (Ў.Машрапов), вилоят Молия бош бошқармаси (Б.Хайдаров) билан биргаликда 3 кунлик муддатда вилоят ҳудудидаги шаҳар атрофи автобус ва йўналишли такси йўналишларида чекланган тарифларни белгилаш юзасидан ҳисоб-китоблар билан асосланган таклифларни тасдиқлаш учун “Вилоят ҳудудида автотранспорт соҳасини бошқариш ва йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссияси” (И.Холматов)га тақдим этсин.

5. Мазкур қарор вилоят “Телерадиокомпанияси” (М.Каримов), “Андижоннома” ва “Андижанская правда” газеталари таҳририяти (С.Шукуров)га ушбу қарорни оммавий-ахборот воситаларида эълон қилиш тавсия этилсин.

6. Вилоят ҳокимининг ушбу қарори қабул қилиниши муносабати билан 2014 йил 31 июндаги 192-қ сонли вилоят ҳокимининг қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари И.Холматов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими

ASLIGA TO'G'RI

Ш.Абдурахманов